



## Ислом Нури

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйда ёки бозорида ўқиган намозидан йигирма беш марта ортиқ бўлади, сабаби агар у таҳорат олса ва таҳоратини мукамал қилса, сўнг фақат намоз қасди билан масжидга чиқса, ҳар бир босган қадами баробарида бир даражаси биттага кўтарилади ва битта хатоси ўчирилади. Агар намоз ўқиса, модомики намозгоҳида турар экан, фаришталар унга: “Эй Аллоҳ, уни ўзинг мағфират қил, унга ўзинг раҳм қил” деб дуо қилиб туришади. Биронтангиз (масжидда) намозни кутиб ўтирар экан, намозда тургандай (савобга эга) бўлади», дедилар.

Абу Довуд Абу Дардо розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда

Имом Абу Довуд Абу Дардо розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда



## Ислом Нури

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирон қишлоқда ёки саҳрода учта мусулмон бўлса-ю, ичларида (жамоат билан) намоз ўқилмаса, шайтон уларга ёлиб бўлиб олади. Жамоатни лозим тутингиз, чунки бўри ҳам подадан четланган қўйни ейди», дедилар.

Бирон қишлоқда ёки саҳрода учта мусулмон бўлса-ю, ичларида (жамоат билан) намоз ўқилмаса, шайтон уларга ёлиб бўлиб олади. Жамоатни лозим тутингиз, чунки бўри ҳам подадан четланган қўйни ейди», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо ривоят қилган муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жамоат намози ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража ортиқ бўлади», дедилар.

### Шарҳ:

Жамоат намози катта аҳамиятга эга бўлгани ва кўп тарафлама фойдалари бўлгани учун Аллоҳ таоло унга улуғ савобларни ваъда қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоат намозига кўп тарғиб қилганлар ва ундаги савоб ёлғиз ҳолда ўқилган намоздан йигирма етти баробар ортиқ эканини, шунингдек, жамоат билан ўқилган намоз шайтонлардан сақланишга сабаб бўлишини хабар берганлар.

### Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Жамоат намози фазилатли, улуғ амаллардан.
2. Жамоат намози ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти баробар афзал.
3. Жамоат билан намоз ўқимаган одамга шайтон ёлиб бўлади.